

## Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тўғрисида

### ШАРТНОМА № 29146

Тошкент ш.

2022 йил “27” 06

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING KOMPANIYA” давлат унитар корхонаси номидан Устав асосида иш кўрувчи директор в.б. Р.У. Кучкаров бир томондан ва кейинги ўринларда “Бажарувчи” деб юритиладиган “LUCKY REBIRTH” хусусий корхона номидан Устав ва АЛ-001963-сонли лицензия асосида иш кўрувчи директор Атамухамедов К. М. иккинчи томондан, кейинги ўринларда биргаликда “Тарафлар” деб юритилади, Танлов комиссиясининг 2022 йил 22-июндаги 106037-сонли танлов натижаларига кўра мазкур шартномани, кейинги ўринларда “шартнома” деб юритилади, қуйидагилар тўғрисида туздилар:

#### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Буюртмачи кўрсатма беради ва Бажарувчи “Мирзо Улуғбек тумани, Туман санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукамал таъмирлаш. (Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун)” объекти учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш мажбуриятини олади, шу жумладан:

- ишчи лойиҳа;
- жорий нархлардаги смета ҳисоби.

1.2. Бажарувчи ишларни лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш тартиблари белгиланган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ва бошқа ҳужжатлар ҳамда мазкур шартнома асосида амалга оширади.

1.3. Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун асос Буюртмачи томонидан Бажарувчи иштирокида тайёрланган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳалаштиришга топшириқ ҳамда мазкур шартнома ҳисобланади. Лойиҳалаштиришга топшириқ мазкур шартноманинг ажралмас қисмидир.

1.4. Бажарувчи ишларни Буюртмачи томонидан бошланғич маълумотлар тақдим этилиб, шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиб, аванс тўловини амалга оширган кундан бошлаб, мазкур шартноманинг 2-илоvasида келтирилган календар иш жадвалидаги муддатда бажаради.

1.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини якунига етказгандан сўнг 3 (уч) нусхада мазкур лойиҳа ва кидирув ишлари ҳужжатларини Буюртмачига тақдим этиши керак.

#### 2. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг баҳоси мазкур шартноманинг 1 ва 3-илоvasида келтирилган келишув баённомаси ва лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига асосан (ҚҚС билан) 60 000 000 (Олтмиш миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. Буюртмачи шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичида шартнома баҳосининг 30 фоиз миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

2.3. Шартнома бўйича қолган маблағ аванс маблағлари мутаносиб равишда ушлаб қолинган ҳолда ишларнинг натижалари тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланадиган ва муҳрлари билан тасдиқланадиган топшириш-қабул қилиш далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура расмийлаштирилиб, манзилли рўйхат асосида маблағлар ажратилгандан кейин ўрнатилган тартибда тўланади.

2.4. Бажарувчи томонидан бажарилган ва Буюртмачи томонидан қабул қилинган ишлар учун якуний ҳисоб-китоб Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигини бузилишига йўл қўймайдиган муддатларда ва тартибда амалга оширилади.

### **3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбур:

3.1.1. Лойиҳалаш ҳақидаги топшириққа ва бошқа бошланғич маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш ва натижасини шартноманинг 2-иловасида белгиланган муддатда Буюртмачига топшириш;

3.1.2. Тайёр бўлган лойиҳа-смета ҳужжатларини Буюртмачи билан ҳамда тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишиб олиш ёки хулоса олиш;

3.1.3. Буюртмачи, тегишли давлат органлари ва идоралари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича асосланган эътирозларини инobatга олиб лойиҳа-смета ҳужжатларига тузатишлар киритиш;

3.1.4. Ишларнинг натижаларини Буюртмачига 3 (уч) нусхада ва электрон (pdf) кўринишда топшириш;

3.1.5. Буюртмачининг розилигисиз лойиҳа-смета ҳужжатларини учинчи шахсларга бермаслик;

3.1.6. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида учинчи шахсларда ишларни бажаришга қаршилиқ қилиш ёки бажаришни чеклаш ҳуқуқи йўқлигини қафолатлаш.

3.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

3.2.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва тартибда шартномани 1.1. бандида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва ишларни бажарганлик учун Бажарувчига ҳақ тўлаш;

3.2.2. Бажарувчидан олинган лойиҳа-смета ҳужжатларидан фақат мазкур шартномада назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланиш, лойиҳа-смета ҳужжатларини Бажарувчининг розилигисиз учинчи шахсларга бермаслик ва улардаги маълумотларни ошкор қилмаслик;

3.2.3. Тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларининг камчиликлари борлиги муносабати билан учинчи шахс томонидан Буюртмачига нисбатан кўзғатилган даъво юзасидан ишга қатнашишга Бажарувчини жалб қилиш.

3.3. Буюртмачи ишларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар) тақдим қилиши шарт.

3.4. Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотлар (нуқсонлар далолатномаси, ижро схемаси ва бошқалар)ни 5 (беш) иш куни мобойнида ўрганиб чиқиши ҳамда берилган маълумотларда камчиликлар аниқланса Буюртмачига маълум қилишни ўз зиммасига олади.

Агар Бажарувчи Буюртмачи томонидан тақдим этилган бошланғич маълумотларда аниқланган камчиликларни, 5 (беш) иш куни ичида Буюртмачига маълум қилмаса, маълумотлар қабул қилинган деб ҳисобланади ва бундай ҳолат Бажарувчи ишларини бажариш муддатини ўзгартиришга асос бўла олмайди.

3.5. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатлари камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик курилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа смета ҳужжатлари ва бажарилган қидирув ишлари маълумотлари асосида барпо этилган объектни ишлатиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгар бўлади. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларида камчиликлар аниқланса, Бажарувчи Буюртмачининг биринчи талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиш ва шунга мувофиқ зарур кўшимча қидирув ишларини бажариши шарт.

### **4. ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлари бажарилишининг алоҳида босқичи ва шартнома бўйича белгиланган жами ишлар тугагандан сўнг Бажарувчи Буюртмачига ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси асосида топширади.

4.2. Буюртмачи ишларни топшириш - қабул қилиш далолатномаси ва иш натижаларини олгандан сўнг 10 (ўн) кун ичида ишларни қабул қилиш ва Бажарувчига имзоланган топшириш ва қабул қилиш далолатномасини ёки ишларни қабул қилмасликнинг асосланган рад жавобини юборади.

Агар Буюртмачи ишларни қабул қилган кундан бошлаб 10 (ўн) кун муддат ичида Бажарувчига камчиликлар кўрсатилган ишларни қабул қилмаслик рад жавобини юбормаса, ишлар қабул қилинган ҳисобланади ва бундай ҳолатда Буюртмачи ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолаб, бир нусхасини Бажарувчига қайтариши шарт.

Лойиҳа-смета ҳужжатларининг мураккаблик даражасига қараб ишларни кўриб чиқиш муддатини 30 (ўттиз) кунгача узайтириш тўғрисида Бажарувчини огоҳлатиради.

4.3. Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда, икки томонлама далолатнома тузилади.

4.4. Агар лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларини бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, тарафлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш тўғрисида бир-бирини хабардор қилиши ва 15 кун мобайнида ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

4.5. Лозим топилган ҳолларда тарафлар мустақил экспертларга лойиҳа-смета ҳужжатлари бўйича хулоса учун мурожаат қилиши мумкин.

4.6. Лойиҳа-смета ҳужжатларида шартномадан четланишлар ёки бошқа камчиликлар борлиги аниқланса, бундай камчиликларни смета ҳужжатларини қабул қилаётганда аниқлаш имконияти бўлмаса (яширин камчиликлар), бундай ҳолатда Буюртмачи камчиликлар аниқлангандан кейин Ижрочини 10 кун муддат ичида ёзма равишда огоҳлантириш ва камчиликларни қисқа муддатда бартараф этилишини талаб қилиши керак.

## **5. КОНФИДЕНЦИАЛ МАЪЛУМОТЛАРНИ ҲИМОЯЛАШ**

5.1. Лойиҳа-смета ҳужжатлари ишларининг бажарилиши даврида Бажарувчи ўзи конфиденциал ҳисобланадиган маълумотлар ишлаб чиққан ёки уларни Буюртмачидан олган ҳолларда уларни ҳимоялаш, ошкор бўлишини олдини олиш мақсадида тегишли тадбир ва чоралар кўради.

## **6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларидаги камчиликлар учун, шу жумладан кейинчалик қурилиш жараёнида, шунингдек тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатлари маълумотлари асосида барпо этилган объектдан фойдаланиш жараёнида аниқланган камчиликлар учун жавобгардир.

6.2. Лойиҳа-смета ҳужжатларида камчиликлар аниқланган тақдирда Бажарувчи Буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва бунинг оқибатида келтирилган зарарни тўлаши шарт.

6.3. Буюртмачи шартнома бўйича ҳақ тўланмаганлик (ўз вақтида тўланмаганлик) учун Бажарувчига тўлов муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун ўз вақтидан тўланмаган сумманинг 0,4 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Бажарувчи ишларни ўз вақтида бажармаганлиги учун Буюртмачига кечиктирилган ҳар бир кун учун бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоиз миқдорида, бироқ шартнома суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.5. Пенянинг тўланганлиги ва зарарнинг қопланганлиги тарафларни ўз мажбуриятларини бажариш ёки камчиликларни бартараф этишдан озод этмайди.

6.6. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **7. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

7.1. Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, уларни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч) оқибатида мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар эмасдир.

7.2. Мазкур шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

7.3. Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни ҳал қилишга эришилмаган тақдирда, мазкур шартноманинг тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар даъвогарнинг танлови бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида ёки Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси хузуридаги Ҳакамлик судида унинг Регламентига асосан ҳакамлик судьяси томонидан яқка тартибда кўриб чиқилади.

## **8. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

8.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшичалар улар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга кўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

8.3. Буюртмачи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчининг айби билан ишларнинг бориши ушланиб қолса ва ишларни тугатишнинг шартномада белгиланган муддатидан 30 кун ошиқ муддатга кечиктирилса;

- Бажарувчининг шартнома шартларини бузиши оқибатида берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати пасайса.

8.4. Бажарувчи қуйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

- Бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра лойиҳа ишлари Буюртмачи томонидан 30 кундан ошиқ муддатга тўхтатилса;

- Буюртмачи лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятига эга бўлмаса ёки тўловларни сабабсиз асосларга кўра кечиктирса.

8.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

## **9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР**

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтида бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ ҳолда қонунга хилоф равишда пул, моддий қимматликлар берилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажақда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши ёки қилиши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг ушбу ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги факлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказмаслигини ва бошқа салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

9.5. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаганда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

## 10. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

10.1. Иш натижаларидан нормал фойдаланиш имкониятини бермайдиган камчиликлар аниқланса ва уларни бартараф этмасдан туриб натижалардан фойдаланиб бўлмаса, камчиликларни бартараф этиш Бажаруви томонидан ва унинг ҳисобдан амалга оширилади.

10.2. Камчиликларнинг мавжудлиги ва уларни бартараф этиш муддатлари Буюртмачи ва Бажарувиининг қўшма далолатномасида қайд этилади.

10.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккала нусха ҳам бир хил юридик кучга эга ва тарафларга бир нусхадан берилади.

10.4. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

10.5. Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.6. Шартномага қуйидагилар илова қилинади:


- 1-илова - Шартнома баҳосининг келишуви баённомаси;
- 2-илова – Календар иш жадвали;
- 3-илова - Лойиҳа тадқиқот ишлари учун смета ҳисобига.

## 11. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

### БУЮРТМАЧИ

Тошкент шаҳар ҳокимияти “YAGONA  
BUYURTMACHI XIZMATI INJINIRING  
KOMPANIYA” ДУК

Юридик манзили:  
100027, Тошкент ш. И.Каримов кўчаси,  
16а-уй.



Директор в.б.

Р.У. Кучкаров

### БАЖАРУВЧИ

“LUCKY REBIRTH” ХК

Адрес: г. Ташкент, ул. Махорат, 36-уй  
Телефон: +99893 529-78-76  
P/c: 2020 8000 8050 1605 7001  
АТБ «Turon Bank» МАБ  
Тошкент ш.  
МФО 00446  
ИНН 302474628 ОКЭД – 43310

Директор Атамухамедов К. М.



“Тасдиқлайман”  
Тошкент шаҳар ҳокимияти  
“ЯБХ” ИК директори в.б.  
Комиссия раиси

Р.У. Кучкаров

“ 27 ” 06 2022й.

Тошкент шаҳар

“Мирзо Улуғбек тумани, Туман санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукамал таъмирлаш.(Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун)”объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини аниқлаш бўйича Тошкент шаҳар ҳокимияти “ЯБХ” ИК танлов комиссияси йиғилишининг

### БАЁНИ

#### Комиссия аъзолари:

С. Сагдиев	Бош муҳандис в.б.
Ш. Қодиров.	БРБЛ ва ТХРОТ бўлим бошлиғи
Хамидов О.	ЛБ ва ҚТНҚ бўлим бошлиғи
Турсунов З.	Тошкент шаҳар ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича масалалари ёрдамчиси (Ўзб. Рес. Президентининг ПҚ-4938 30.12.2020й, 15-а банди асосида бир шартнома бўйича БҲМ 2 500 бараваридан ортиқ бўлса иштирок этади)
Абдусатторов П.	БРБЛ ва ТХРОТ бош мутахассиси
Холмаматова М.	БРБЛ ва ТХРОТ 1-тоифали мутахассиси

### КУН ТАРТИБИ

“Мирзо Улуғбек тумани, Туман санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукамал таъмирлаш.(Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун)” объекти бўйича(кейинги ўринларда объект деб аталади).

(Р. Кучкаров, С. Сагдиев, Ш. Қодиров, О.Хамидов, З.Турсунов, П. Абдусатторов, М.Холмаматова)

Компания томонидан 2022 йил 14 июн куни Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржасининг электрон порталига (etender.uzex.uz) объектнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун лойиҳа ташкилотини танлаш мақсадида № 06037 лот рақамли эълон жойлаштирилди. Мазкур эълон бўйича беш иш куни мобайнида электрон портал орқали танлов иштирокчилари томонидан электрон тарзда тақдим қилган таклифлар қабул қилинди. Таклифлар комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилди ва қўйилган талабларга асосан баҳоланди. Натижаларга асосан танловда “LUCKY REBIRTH” МЧЖ ғолиб бўлганини инобатга олиб комиссия аъзолари фикр алмашган ҳолда:

## ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Икки иш қуни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. БРБЛ ва ТХРОТ бўлими бош мутахассиси Х.Юсупов.

Юқоридагилардан келиб чиқиб комиссия аъзоларининг 2022 йил 22 июндаги электрон баённомасига асосан “Мирзо Улугбек тумани, Туман санитария эпидемиология осойишталиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мукамал таъмирлаш.(Лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун)” объектининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича “LUCKY REBIRTH” МЧЖ билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

### Комиссия аъзолари:




С. Сағдиев



Ш. Қодиров



О. Хамидов



П. Абдусатторов



М. Холмаматова









№	2	3	4	5	6	7	8	2022 йил учун капитал қўйималар лойиҳа						2022 йилда фойдаланишга топширилган		17	18	19	20	
								Жами капитал қўйималар	Куршил - монтаж ишлари	Жикоз	шў жумладан	Куршил - монтаж ишлари	Жами	Бюджетлари	Куршил - монтаж ишлари					Жами
01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга ўтувчи объектнинг маълумоти (шарҳнома)	
Объектлар моли ва мақсадли																				
7	Олмазор тумани 20-сон оилавий поликлиникасини реконструкция қилиш	2022й	Объект											201,500						
8	Учтара тумани Туман кўли тармоқли марказий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект											200,100						
9	Учтара тумани 22-сон оилавий поликлиинасини мураббад таъмирлаш	2022й	Объект											92,500						
10	Бектемир тумани Туман кўли тармоқли марказий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект											201,500						
11	Чиланзор тумани 26-сон оилавий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект											201,500						
12	Миробод тумани 1-сон оилавий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект											201,500						
13	Янгиқабат тумани Туман кўли тармоқли марказий поликлиинасини реконструкция қилиш	2022й	Объект											201,500						
14	Яқсақор тумани Туман кўли тармоқли марказий поликлиинасини яқсий биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект											201,500						
15	Яқсақор тумани 38-сон оилавий поликлиинасини мураббад таъмирлаш	2022й	Объект											92,500						

№	Объектлар номи ва мақсади	Қурилиш бошланғич ва фойдаланишга топширилган йили	Лойиса қўраги	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосда) жузъларин, бўлуқчалар, бошқалар, бошқа харажатлар	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга Утувчи объектнинг (айта бошса) қолдиқ қиймати жузъларин, бўлуқчалар, бошқа харажатлар	01.01.22 й. ҳолатига йилдан йилга Утувчи объектнинг (айта бошса) қолдиқ қиймати жузъларин, бўлуқчалар, бошқа харажатлар	2022 йил учун қилган қўйималар лойиҳа				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига йилдан йилга Утувчи объектнинг (айта бошса) қолдиқ қиймати жузъларин, бўлуқчалар, бошқа харажатлар	Экспортга хулосаси рақамин ва санаси	Тендер (тақдир)лар натижасига бўйича бېғимнома рақамин ва санаси	Ташкилот номи			
							Жили қилган қўйималар	Қурилиш - мотлақ нақшлар	Жилоз	пу жузъларин	Қурилиш/ длат	Асосий фонд суммаси							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
25	Юнусобод тумани 221-сонли мактабга тўлиқ ташкилланган реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер
26	Юнусобод тумани 288-сонли мактабга тўлиқ ташкилланган реконструкция қилиш	2022й	Объект					113,500			113,500		Объект						Тендер
27	Юнусобод тумани 259-сонли умумтаълим мактабин реконструкция қилиш	2022й	Объект					134,000			134,000		Объект						Тендер
28	Юнусобод тумани 265-сонли умумтаълим мактабин реконструкция қилиш	2022й	Объект					134,000			134,000		Объект						Тендер
29	Юнусобод тумани 96-сонли умумтаълим мактабин реконструкция қилиш	2022й	Объект					134,000			134,000		Объект						Тендер
30	Тошкент шаҳар санитария эпидемиология оқибатчилиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини реконструкция қилиш	2022й	Объект					92,500			92,500		Объект						Тендер
31	Миробод тумани Туман санитария эпидемиология оқибатчилиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мураббаъ таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тендер
32	Мирзо Улуғбек тумани Туман санитария эпидемиология оқибатчилиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мураббаъ таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тендер
33	Сурхон тумани Туман санитария эпидемиология оқибатчилиги ва жамоат саломатлиги хизмати биносини мураббаъ таъмирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Тендер

№	Объектлар номи ва мазмун	Қурилиш бошланғичи ва объектларнинг топшириш йили	Дайрежа қурали	Объектнинг умумий қиймати (шартнома асосида) жумладан, буюртмачи, бониста, бониста, харожаглари	01.01.22 й. ҳолатига ишдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қиймати (айта қилинган) қиймати жумладан, буюртмачи, бониста, харожаглари	01.01.22 й. ҳолатига ишдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қиймати (айта қилинган) қиймати жумладан, буюртмачи, бониста, харожаглари	2022 йил учун қилган қўйилмалар дивиденти				2022 йилда фойдаланишга топширилган		01.01.23 й. ҳолатига ишдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қиймати (айта қилинган) қиймати жумладан, буюртмачи, бониста, харожаглари	01.01.23 й. ҳолатига ишдан йилга ўтувчи объектнинг молиялаштириш қиймати (айта қилинган) қиймати жумладан, буюртмачи, бониста, харожаглари	Ташқиқот номи				
							Жами қилган қўйилмалар	Қурилиш - монтаж ишлари	Жилой	Буюртмачи бошка харожаглари	Жами харожаглари	Кўрасти/кудат				Асосий фонд суммаси			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
34	Учта тушани Тушан санитария эпидемиология боғлиқлиги ва жамоат саломатлиги хизмати бўлисини мураббаъ ташкирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Ташқиқот
35	Юлусбола тушани Тушан санитария эпидемиология боғлиқлиги ва жамоат саломатлиги хизмати бўлисини мураббаъ ташкирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Ташқиқот
36	Янқола тушани Тушан санитария эпидемиология боғлиқлиги ва жамоат саломатлиги хизмати бўлисини мураббаъ ташкирлаш	2022й	Объект					91,000			91,000		Объект						Ташқиқот



Handwritten signature